

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЛҚАРОВ ЭЛЁР МАХМУДОВИЧ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
ПЕДАГОГ КАДРЛАР УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

13.00.07 –Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философских наук (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstracts of doctor of
philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

| | |
|---|----|
| Алқаров Элёр Махмудович Ахборот-коммуникация технологиялари асосида педагог кадрлар узлуксиз касбий ривожланишини бошқариш самарадорлигини ошириш | 5 |
| Алқаров Элёр Махмудович Повышение эффективности управления непрерывным профессиональным развитием педагогических кадров на основе информационно-коммуникационных технологий | 25 |
| Alkarov Elyor Maxmudovich Improving the efficiency of management of continuous professional development of teaching staff based on information and communication technologies | 47 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 51 |

**А.АВЛОНИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАММОЛАРИНИ
ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

АЛКАРОВ ЭЛЁР МАХМУДОВИЧ

**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА
ПЕДАГОГ КАДРЛАР УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ
БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

13.00.07 –Таълимда менежмент

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped1369 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.avloniy.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бахрамов Анвар Ахрарович
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мирсолиева Муҳаббат Тўхтасиновна
Педагогика фанлари доктори, профессор

Махмудов Абдухалим Хамидович
Педагогика фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 13 07 соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; Web-site: www.avloniy.uz, E-mail: avloniy@xtv.uz).

Диссертация билан А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (156724 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-уй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.

Диссертация автореферати 2021 йил 1 07 куни тарқатилди.
(2021 йил 1 07 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



М.А.Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор

Ф.Э.Каримов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
сиёсий фанлар доктори, доцент

Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юқори малакали кадрларга ортиб бораётган эҳтиёж таълим сифатини ва уни оширишнинг асосий омили бўлган педагогларнинг касбий компетенцияларини доимий такомиллаштириб бориш заруратини юзага келтирмоқда. Мазкур зарурат туфайли барча таълими ривожланаётган мамлакатларда педагогларнинг даврийликка асосланган қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимини доимий равишда фаолият кўрсатадиган узлуксиз касбий ривожланиш тизимига трансформация қилиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Дунё миқёсида педагог кадрларнинг узлуксиз касбий ривожланишини ташкил қилиш ва бошқаришни “булутли технологиялар” ҳамда интеллектуал тизимларга асосланган махсус электрон таълим платформалар воситасида амалга ошириш ва бунда таълим сифатини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга оид қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар педагогларга ўз касбий билим ва кўникмаларини мустақил тарзда ривожлантириш ва уларда зарур компетенцияларни такомиллаштириш муаммоларига қаратилган.

Мамлакатимизда халқ таълими ходимлари узлуксиз касбий ривожланишининг ташкилий механизмларини модернизациялаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълимининг турли шаклларини жорий этиш орқали ўз касбий салоҳиятини ошириш учун уларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бугунги кунда 450 мингдан зиёд халқ таълими ходимларининг «касбий маҳорати ва фаолият самарадорлигини мунтазам ошириб бориш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, малака ошириш тизимини “хаёт давомида ўқиш” тамойили асосида такомиллаштириб боришни таъминловчи узлуксиз касбий ривожланиш тизими»¹ жорий қилинмоқда. Бу борада узлуксиз касбий ривожланиш жараёнлари мониторингини амалга ошириш, халқ таълими ходимларининг касбий компетентлик даражасини аниқлаштириш ва башоратлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда касбий компетенцияларнинг ривожланиш динамикасини доимий кузатиб бориш имкониятини берувчи ахборот мониторинг хизматини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ва 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884-сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 07.11.2020 й., № 06/20/6108/1483-сон.

узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таълимда ахборот-коммуникацион технологияларини жорий этиш, сифат ва самарадорлигини оширишнинг педагогик шарт-шароитлари, электрон таълимни ривожлантириш, электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш ва уларни ўқув жараёнларида қўллаш масалаларига мамлакатимиз олимлари У.Ш.Бегимкулов, А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, М.А.Арипов, Н.И.Тайлақов, Ш.С.Аҳрамов, Ф.Закирова, Н.А.Муслимов, М.Лутфуллаев, С.Раҳмонқулова, С.С.Ғуломов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, А.И. Аширова, Р.Р.Боқиев, М.Э.Мамаражабов, Л.М. Набиулина, С.Қ.Турсунов, А.Ғ.Ҳайитов, У.Юлдашев, Т.Т.Шоймардонов ва А.Е.Ибрайимовларнинг илмий ишларида алоҳида эътибор қаратилган ҳамда ўқитувчиларни касбий ривожлантиришда ахборот технологияларидан фойдаланишни ташкил этишнинг усул ва воситалари, таълимни ахборотлаштириш, ягона ахборот тизимини яратиш, эксперт-ўқитиш тизимлари, интеллектуал ахборот тизимларни ишлаб чиқиш, таълим тизимида масофавий таълимни қўллаш имкониятлари илмий асосланган.

Узлуксиз таълим тизимида ўқитиш сифатини мониторинг қилишнинг педагогик шарт-шароитлари, умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифатини баҳолаш асосида бошқаришнинг замонавий шакллари, таълим сифатини назорат қилишнинг ташкилий-методик ёндашувлари, малака ошириш жараёнлари мониторинги механизмларини такомиллаштириш муаммолари Р.Х.Джураев, Ш.Э.Қурбонов, У.И.Иноятов, Р.Ш.Ахлидинов, Э.А.Сейтхалилов, С.Т.Турғунов, Ж.Ғ.Йўлдошев, Ш.С.Шарипов, М.М.Вахобов, М.А.Юлдашев ва М.У.Аҳмедов каби мамлакатимиз олимларининг илмий ишларида атрофлича тадқиқ қилинган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида таълимнинг турли босқичларида педагогик мониторинг тизимини яратиш, таълим сифатини бошқариш, таълим сифати мониторинги, шу жумладан, таълим сифатини комплекс мониторинг қилишнинг муаммо ва ечимлари бўйича М.М.Поташник, Е.А.Ямбург, Д.Ш.Матрос, Н.Гончарова, Д.М.Полев, Н.Н.Мельникова, А.Н.Майоров, Б.П.Битинас, Л.И.Катаева, Э.Н.Рычихина, Е.А.Семина ва Н.Ф.Ильина, электрон ахборот ресурслар асосида ўқитиш бўйича С.Щенников, Е.В.Чернобай, Т.А.Лавина ва бошқа олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган.

Хорижий мамлакатларда педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишни ташкил этишнинг усул ва воситалари, таълимни ахборотлаштириш ва ягона ахборот тизимини яратиш

муаммолари Adam Swinyard, Niall Marriott, J.D. Willms каби олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Tony Bush, Lawrence A. Sherr, Deborah J. Teeter, Sandhya Sangai каби олимлар томонидан таълим муассасаларини бошқариш жараёнида мониторинг ва баҳолашнинг аҳамияти ўрганилган.

Малака ошириш йўналишида назарий манбалар мазмуни билан танишиш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолиятини ўрганиш ҳамда тажрибаларни аналитик таҳлил этиш педагог ходимлар малакасини ошириш жараёнларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга асосланган мониторингини олиб боришнинг методик тизимини яратиш ва амалиётга жорий этиш орқали педагогларнинг узлуксиз касбий ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш муаммосининг долзарблиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаганлигини кўрсатади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари ўқув жараёнини автоматлаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқ таълими педагог ходимларининг малакасини ошириш тизимида ахборот-мониторинг хизматини такомиллаштириш орқали педагог кадрларнинг узлуксиз касбий ривожланишини бошқариш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши жараёнлари, уларни бошқаришнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш;

uzlукsиз касбий ривожлантириш шароитида таълим сифатини таъминлаш механизмларини туманлардаги фан методистларининг лавозим мажбуриятларига янги функцияларни киритиш орқали такомиллаштириш;

халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиш таълими жараёнларини мониторинг қилишнинг асосий вазифаларини аниқлаш ва моделини ишлаб чиқиш;

халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши натижаларини кредитларда ифодалашга асосланган баҳолаш тизимини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг касбий ривожланиш таълими жараёнлари.

Тадқиқотнинг предмети педагог ходимларнинг узлуксиз касбий ривожланиш таълими жараёнларини бошқариш самарадорлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифалар ижросини таъминлаш учун педагогика ва ахборот-коммуникация технологиялари йўналишидаги адабиётларни ўрганиш, назарий таҳлил қилиш, моделлаштириш (лойиҳалаш), тест, электрон сўровнома, суҳбат, педагогик кузатиш, эксперт баҳолаш ва математик-статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактаблари педагогларининг узлуксиз касбий ривожланишини бошқариш механизми касбий ривожланишга доир мақсадли ва индивидуал малака ошириш дастурини шакллантириш асосида такомиллаштирилган;

узлуксиз касбий ривожлантириш шароитида таълим сифатини таъминлаш механизмлари туманлардаги фан методистларининг лавозим мажбуриятларига ўқитувчиларнинг малака ошириш траекторияларини коррекциялаш ва назорат қилиш функцияларини киритиш орқали такомиллаштирилган;

умумтаълим мактаблари педагогларининг касбий ривожланишининг узлуксизлигини таъминлашнинг ҳар бир педагогнинг индивидуал ривожланишининг динамик ҳолатини аниқловчи ташхислаш, хронологик таққослаш ва прогноз қилиш функцияларидан иборат самарали модели ишлаб чиқилган;

умумтаълим мактаблари педагогларининг “муқобил малака ошириш” ва “индивидуал малака ошириш траекториялари бўйича таълим” шаклида узлуксиз касбий ривожланиши натижаларини кредитларда ифодалашга асосланган баҳолаш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши жараёнлари мониторингини амалга оширишнинг мазмун-моҳияти очиб берилган, “индивидуал малака ошириш траекториялари мониторинги” тушунчаси аниқлаштирилган;

халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши жараёнлари мониторинги механизмлари интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришнинг электрон методик тизими яратилган;

ахборот мониторинг хизматининг ахборот бериш, ташхислаш, таққослаш ва прогноз қилиш функциялари аниқлаштирилган, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида педагог ходимларнинг узлуксиз касбий ривожланиши тизими самарадорлигини таъминлаш модели таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги ва уларнинг математик-статистик таҳлили, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўплами, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида расмий рўйхатдан ўтказилган (№DGU 08959, №DGU 08960, №DGU 08961) гувоҳномалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф этилган модел, тизим ва дастурларнинг педагог ходимлар касбий компетентлигини узлуксиз ривожлантиришда фойдаланилиши, халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этиш

жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг малакасини ошириш жараёнларини ахборотлаштириш, ўқув курслари мазмунини такомиллаштириш, замонавий ўқув-методик таъминотни яратиш ва илғор таълим технологияларини жорий этиш учун хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши жараёнлари мониторингини амалга оширишнинг мазмун-моҳиятини аниқлаштиришга доир таклифлардан 2021 йил 29 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 21–сон буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 02-02/3-1485-сон маълумотномаси*). Натижада халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиш траекторияси асосида билим ва кўникмаларини аниқлаш воситалари ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши жараёнлари мониторинги механизмлари интеграллашган ахборот-таълим муҳитини шакллантиришга доир таклифлардан “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳудудий марказлари ўқув жараёнини автоматлаштириш” номли лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (*Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 336–сон ҳамда 2021 йил 30 мартдаги 90–сон буйруқлари, Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 02-02/3-1485-сон маълумотномаси*). Натижада халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг электрон портфолиосини шакллантириш, педагог ходимнинг индивидуал траекторияси, касбий ривожланиш натижалари ва ўзлаштирган ўқув дастурлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш имконияти яратилган;

ахборот мониторинг хизматининг ахборот бериш, ташхислаш, таққослаш ва прогноз қилиш функцияларини аниқлаштириш асосида педагог ходимларнинг узлуксиз касбий ривожланиши тизими самарадорлигини таъминлашга доир таклифлардан “Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари малака ошириш курслари тингловчиларининг якуний аттестацияси тўғрисидаги муваққат низом”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 30 мартдаги 90–сон буйруғи, Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 02-02/3-1485-сон маълумотномаси*). Натижада халқ таълими педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланиши тизими самарадорлигини аниқлаш ва баҳолаш бўйича якуний аттестация жараёнлари такомиллаштирилган;

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида педагог ходимларнинг узлуксиз касбий ривожланиши таълими самарадорлигини таъминловчи дастурий тизим ва алгоритмлардан малака ошириш жараёнларида

таълим сифатини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда фойдаланилган (*Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 29 декабрдаги 336-сон буйруғи, Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 19 майдаги 02-02/3-1485-сон маълумотномаси*). Натижада халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказлари ўқув-методик ахборотларини тизимлаштиришга хизмат қилувчи, ўқув ва бошқарув жараёнида ахборот мониторинг хизматини кўрсатиш имкониятини берувчи электрон тизим ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот доирасида жами 28 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, улардан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинган нашрлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ахборот-коммуникация технологиялари асосида педагог кадрлар узлуксиз касбий ривожланишини бошқариш методологияси”** деб номланган биринчи бобида халқ таълими муассасалари педагог кадрларининг узлуксиз касбий ривожланиши жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш, шунингдек, мазкур жараёнда ахборот-коммуникация технологияларининг, хусусан, ахборот мониторинг хизматининг роли ва уни жорий этиш йўналишларининг илмий таҳлили келтирилган.

“Бошқариш”, “касбий ривожланиш”, “uzлуксиз касбий ривожланиш” ва “педагогнинг узлуксиз касбий ривожланишини бошқариш” тушунчаларининг турли талқинлари, шу жумладан муаллифнинг ўз фикр-мулоҳазалари келтирилган. Бошқариш назариясининг асосчиларидан бири А.Фаёлнинг “бошқариш” – бу башорат қилиш, режалаштириш, ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишдан иборат, деган фикрлари ижтимоий соҳа бўлими таълимда ҳам ўринлидир.

“Касбий ривожланиш” тушунчаси лотинча *profiteor* сўзидан келиб чиққан бўлиб, шахснинг касбий шаклланиши жараёнида ундаги асосий эҳтиёжлар, билим ва ҳиссий ўзгаришларнинг динамикасини тавсифлайди. А.А.Реан ва Р.В.Демянчукларнинг таъкидлашича, мутахассиснинг ривожланиши билимлар доирасини мунтазам кенгайтириш ва такомиллаштириш, янги касбий билимлар, кўникма ва малакаларни ривожлантириш учун зарур бўлган шахсий фазилатларни ривожлантириш натижасида юзага келади. Шунинг учун ҳам педагогикада касбий ривожланишни расмиятчилик ёки мажбурият эмас, балки фикрлаш тарзи, фойдали одат, тарзида талқин қилинади. Шу муносабат билан, сўнгги вақтларда, **бутун ҳаёт давомида узлуксиз касбий ривожланиш** зарурати ҳақида мулоҳазалар билдирилмоқда.

Педагог нуқтаи-назаридан қараганда касбий ривожланиш унинг лавозим, вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини самарали бажариш учун зарур бўлган шахсий сифатлари, касбий билим, кўникма ва малакаларини ривожлантириш ва мунтазам бойитиб боришдан иборат. Шундай қилиб, “касбий ривожланиш” деганда ходимга қўйилаётган малака талаблари билан муайян шахснинг мавжуд сифатлари ўртасидаги тафавутни бартараф этишга йўналтирилган, ходимларни янги вазифаларни бажаришга, лавозимларни эгаллашга, компетенцияларни ривожлантиришга тайёрлаш жараёни тушунилади.

Бугунги кунда давлат ва жамиятнинг таълимга қўяётган талаблари шароитида педагог ходимларнинг касбий ривожланишини бошқариш механизмларини такомиллаштириш долзарб муаммо ҳисобланади. Педагоглар таркибини касбий ривожлантиришни бошқариш – бу педагогларнинг муайян

компетенцияларини шакллантиришга қаратилган бошқарув стратегиясини аниқ мақсадларга мувофиқ амалга ошириш жараёни. Педагог ходимларни касбий ривожлантириш ўқитувчиларнинг ўзини ўзи ривожлантириши ва тўғри ташкил этилган, режалаштирилган, индивидуаллаштирилган услубий (илмий ва услубий) ишлар каби ўзаро боғлиқ икки йўл билан амалга оширилади. Бунда, услубий иш ўқитувчининг ўзи учун мақбул бўлган мазмун, шакл ва усулларни танлаш ҳуқуқига биноан унинг касбий компетенцияларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат.

Дунё мамлакатларида касбий ривожлантириш асосан иккита моделини кузатиш мумкин: қўллаб-қувватлаш модели ва кузатиб бориш модели. Қўллаб-қувватлаш модели касбий ривожланиш даражасига талабларни ва уларга эришиш механизмларини давлат ташкилотлари томонидан белгиланиши билан тавсифланади. Педагогларнинг касбий таълимга бўлган эҳтиёжлари мазкур моделда ҳисобга олинмайди.

Педагоглар касбий ривожланишини кузатиб бориш модели педагог ходимларнинг касбий эҳтиёжларини ўрганиш ва уларни қондиришни назарда тутаяди. Мазкур моделда касбий компетенцияларни ривожлантириш мақсад сифатида белгиланади.

Халқ таълими муассасалари педагогларини касбий ривожлантириш жараёнида ахборот мониторинг тизими таълим дастурлари натижаларини баҳолаш, янги таълим технологияларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, малака ошириш ўқув жараёнларининг сифат мониторингини ташкил қилиш, малака оширган педагогларнинг касбий фаолияти натижаларини тизимлаштириш, таълим жараёнлари сифатини таъминлашда устувор йўналишларни ташхис қилиш имконини беради.

Халқ таълими ҳудудий бошқарув органлари методик хизматларининг педагог ходимлар касбий эҳтиёжларини тизимлаштиришдаги амалий-методик ёрдамлари, методик таъминлаш ва мувофиқлаштириш, узлуксиз касбий ривожланиш жараёнлари мониторингини олиб боришдаги фаолиятлари мазмуни таълим муассасаларидаги касбий диагностиканинг объективлиги ва сифати даражасини ошириш нуқтаи назаридан очиқ берилган.

Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг касбий ривожлантириш тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ахборот-коммуникация технологиялари билан ўқув жараёнини тизимли интеграциялаш ҳисобланади. Бунда малака ошириш курсларидаги ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмунини тубдан янгилаш, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида педагогик фаолият ва таълим олиш жараёнини самарали ташкил этиш муҳим масала сифатида намоён бўлади.

Бизнинг фикримизча, халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланишини самарали ташкил этиш уларга малака ошириш шакллари мустақил танлаш ҳамда мазкур жараёнда касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам равишда янгилаб бориш имкониятини яратади. Шунингдек, мустақил касбий ривожланиш жараёнида эришилган кўрсаткичлар уларнинг креатив салоҳиятини ривожлантиришнинг оптимал ва зарурий йўллари белгилаш имкониятларини яратади.

Узлуксиз малака ошириш жараёнларида ижодий салоҳиятни ривожлантириш учун халқ таълими муассасалари педагог ходимларида муайян илмий-педагогик фаолиятни мустақил равишда амалга ошириш, зарур даражада ахборот компетентлигини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг малакасини ошириш жараёнида ахборот мониторинг хизмати ва унинг амалий асослари”** деб номланиб, ушбу бобда халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг малакасини ошириш жараёнида ахборот мониторинг хизматининг асосий кўрсаткичлари, инфратузилмаси, электрон бошқариш тизими ва тегишли дастурий платформани шакллантириш, ундан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган.

Халқ таълими муассасалари педагог кадрларини касбий ривожлантиришни ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларининг муҳим таркибий қисми бўлган ахборот мониторинг хизматининг мақсади, моҳияти ва ташкилий тузилмаси, мазкур хизматнинг педагог касбий ривожланишини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларини такомиллаштиришдаги аҳамияти кундан-кунга ошиб бормоқда. Бугунги кунда педагогларнинг касбий ривожланиши мониторингини олиб бориш жараёнларини ташкил этишнинг ахборот методик тизими таркиби ва мазмунини ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида кўп минг сонли педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини олиб боришнинг интеграллашган ахборот тизими платформасини ишлаб чиқиш масалалари долзарб масала ҳисобланади.

Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг касбий компетентлик даражаси динамикасини аниқлашга қаратилган онлайн технологияларга асосланган масофавий тест синовларини ўтказишнинг дастурий ва методик таъминотини ишлаб чиқиш, педагог ходимларнинг касбий фаолияти кўрсаткичларини қайд этиш ва ўқув материалларини курс тингловчиларига тизимли тақдим этишни амалга оширишга хизмат қилувчи, мустақил малака оширишни қўллаб-қувватлашга қаратилган ўқув-методик, ахборот-таълим муҳитини намоён қилувчи дастурий платформасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш педагоглар узлуксиз касбий ривожланиши самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг узлуксиз касбий ривожланишини бошқаришга мўлжалланган, интеграллашган ахборот-таълим ресурсларига эга, узлуксиз касбий ривожланиш тизимида ахборот мониторинг хизматини амалга оширадиган электрон платформа яратилди. Ҳозирги кунда ушбу платформа республикамиздаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида курсларни ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларида самарали фойдаланиб келмоқда.

Педагог кадрларнинг узлуксиз касбий ривожланишига доир барча маълумотларнинг очиклиги ва ҳудудий марказлар ўртасидаги ўзаро электрон алоқанинг мавжудлиги платформанинг афзалликларидандир.

Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг малакасини ошириш ва касбий фаолияти мониторингини олиб боришнинг мазмунини ёритишда

мониторинг тушунчаси, унинг ахборот ва методик таъминоти, шунингдек касбий фаолият мониторингини олиб боришга қўйиладиган талаблар хусусида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Мониторинг тушунчасининг ўзи унинг назарий таҳлили нуқтаи назаридан қизиқишга лойиқ, чунки у бир маъноли талқинга эга эмас:

илмий ва амалий фаолиятнинг турли соҳаларида мониторингдан фойдаланилади;

мониторинг ўз вақтида ва сифатли ахборот тақдим этиш асосида бошқарув соҳасидаги фаолиятнинг турли кўринишлари учун башоратлаш усули сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Амалий фаолиятнинг турли соҳаларида мониторинг ўта нотекис ривожланмоқда: у қаердадир давлат ва давлатлараро даражада қабул қилинган йирик барқарор тизим бўлса, қаерлардадир мониторинг тизими эндигина шакллана бошламоқда.

Мониторинг термини биринчи марта 1971 йилда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган SCOPE (атроф-муҳит муаммолари бўйича илмий қўмита) конференцияси тавсияларида қўлланилган, 1972 йилдан эса мунтазам қўлланила бошлаган.

Мониторинг – бирор объект, ҳодиса ёки жараёни назорат қилиш ёки бошқариш учун унинг ҳолати ва динамикасини кузатиш, баҳолаш ва келгуси ҳолатини башоратловчи тизим.


Сўнгги йилларда бу тушунча анча кенг маъноларга эга бўлди. Мониторинг деганда бирор жараёни олдиндан тахмин қилинган ёки кутилган натижага мослигини аниқлаштириш мақсадида унинг устидан доимий кузатув олиб бориш тушунилади.

Бугунги кунда мониторинг турли соҳаларда, жумладан таълим соҳасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Тадқиқотимиз натижасида халқ таълими муассасалари педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожланиш тизими самарадорлигини ошириш модели ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).

Таклиф этилаётган модел асосида тингловчиларнинг малака ошириш ва касбий фаолияти мониторинги уч босқичда амалга оширилиши назарда тутилади: тингловчиларнинг малака ошириш курсларини бошланишида, малака ошириш дастурлари бўйича машғулотлар тугагандан сўнг ва касбий фаолиятида.

Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришда ҳамда унинг ахборот таъминотни яратишда кўп ахборотли ресурсларнинг тизимли бирлашувини таъминловчи платформани ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Айнан платформа технологиялари асосида малака ошириш жараёнлари сифати ва самарадорлигини таъминлашга эришиш мумкин бўлади.

Тадқиқотларимиз доирасида халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнларини такомиллаштириш, интеграллашган ахборот-методик таъминотни яратиш, малака ошириш жараёнларининг мониторингини ташкил этиш мақсадида Интернет тармоғида ахборот мониторинг хизмати платформаси (www.m.uzedu.uz) яратилди.



1-расм. Халқ таълими педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожланиш тизими самарадорлигини ошириш модели

Интеграллашган ахборот мониторинг хизмати платформаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларидаги ўқув жараёни ҳамда халқ таълими ходимларининг касбий фаолияти мониторингини олиб бориш тизими, масофавий малака ошириш курсларини ташкил этиш платформаси, ўқув жараёнларига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув режа ва дастурлар, ўқув-услугий мажмуалар ва бошқа ўқув материалларини мужассамлаштирган электрон кутубхона, халқ таълими ходимининг касбий ўсиш динамикасини аниқлаш ва кузатиб бориш имкониятини берувчи он-лайн тест синовларини ўтказиш платформаси, халқ таълими ходимларини узлуксиз касбий ривожланиш фаолиятини ташкил этиш тизимларидан ташкил топган.

Курс тингловчиларининг кунлик давомати, курслар бошланишидаги кириш ва якунидаги чиқиш тест синовлари кўрсаткичлари, педагогик амалиёт натижалари, якуний назорат баллари, шунингдек, берилган малака аттестати номери (агар тингловчи курслардан четлаштирилган бўлса, тингловчилар сафидан чиқарилганлик) ҳақидаги маълумотлар мониторинг тизимида узлуксиз қайд этиб борилади. Тизимда маълумотларни саралаш, таҳлил қилиш, таққослаш, хулосалар чиқариш ҳамда жараёнларнинг умумий ва хусусий ҳоллардаги натижаларини таҳлили қилиш имкониятлари яратилган.

Ахборот хизмати таркибидаги мониторинг тизими тингловчиларнинг нафақат ҳудудий марказлардаги ўқув жараёнидаги кўрсаткичларини, балки уларнинг малака ошириш курсларидан кейинги касбий педагогик фаолиятларини ҳам қамраб олади.

Курс тингловчиларининг курсдаги таълим жараёнининг турли босқичларида билимларини синаш орқали таълим сифати мониторингини олиб бориш платформанинг алоҳида таркибий қисми ёрдамида амалга оширилади. Мазкур қисм масофавий технологиялар асосида ишлаб, тингловчилар билимини марказлаштирилган тарзда назоратдан ўтказиш имкониятини беради.

Тадқиқотлар доирасида халқ таълими ходимларининг касбий компетентлигини аниқлашга қаратилган, онлайн технологияларга асосланган, масофавий тест синовларини ўтказишнинг дастурий ва методик тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Порталда мониторинг олиб бориш ҳамда ўқув-методик таъминотни амалга оширишга хизмат қилувчи бир неча тизимлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро бир-бирини тўлдириб туради.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва самарадорлигини аниқлаш”** деб номланади. Унда халқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида узлуксиз касбий ривожланиш тизимида ахборот мониторинг хизматини амалга ошириш мақсадида олиб борилган тажриба-синов мазмуни, самарадорлик даражаси ўз ифодасини топган.

Халқ таълими педагог ходимларининг малакасини ошириш жараёнида ахборот мониторинг хизматини такомиллаштириш муаммосини тадқиқ этишнинг муҳим таркибий қисмларидан бири тажриба-синов ишларнинг ташкил этилиши билан боғлиқ ҳисобланади.

Биз тадқиқотимизда халқ таълими педагог ходимларининг малака ошириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган, уларни ўзига хос касбий қобилиятлари ва сифатларини ривожлантириш имконини берувчи таълим технологиялари ишлаб чиқилди. Шунингдек ҳудудий марказларда ташкил этилаётган қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув ва бошқарув жараёнларини ягона методик таъминотини амалга ошириш, халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш жараёнларини мувофиқлаштириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида интерактив технологияларга асосланган ахборот-таълим платформаси (www.m.uzedu.uz, www.masofa.uzedu.uz, www.testing.uzedu.uz) ишлаб чиқилди ва унинг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилди. Платформа таркибида марказлардаги ўқув жараёни ва тингловчиларнинг малака оширишдан кейинги фаолияти мониторингини олиб боришга хизмат қилувчи ахборот мониторинг хизмати яратилди ва амалиётга жорий этилди. Ахборот мониторинг хизмати таркибида малака оширишдан ўтган ҳар бир тингловчининг барча кўрсаткичларини шакллантириб боришга қаратилган дастурий платформа жорий этилди.

Платформада ҳар бир ҳудудий марказлар учун алоҳида саҳифалар ажратилган бўлиб, бунда ҳудудий марказлар тўғрисида маълумот, марказлар тузилмаси, малака ошириш ташкил этилган йўналишлар, ҳар бир йўналиш бўйича электрон ўқув-методик мажмуалар жойлаштирилган ҳамда кириш ва чиқиш онлайн тест синовларини ўтказиш платформасидан фойдаланиш имкониятлари яратилган.

Тажриба-синов ишларини ўтказишда юқорида қайд этилган малака ошириш марказларининг тингловчиларини билим даражаси деярли бир хил бўлган гуруҳлар танлаб олиниб, улар тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Тингловчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳига ажратишда, уларнинг касбий компетентлигини аниқлашда Интернет тармоғининг www.testing.uzedu.uz манзилига жойлаштирилган онлайн тестлардан фойдаланилди. Тингловчиларнинг касбий компетентлиги 100 баллик баҳолаш тизимидан фойдаланилинди. Бунда 0-55 балл эгаллаган тингловчилар – репродуктив, 56-70 балл эгаллаган тингловчилар – продуктив, 71-85 балл эгаллаган тингловчилар – қисман-изланишли, 86-100 балл эгаллаган тингловчилар – креатив даража деб белгилаб олдик. Уларнинг тажриба бошида олган баҳолари 1-жадвалда келтирилган.

Ташкилий-тайёргарлик босқичида 2018 йилда тажриба-синов учун белгиланган малака ошириш ҳудудий марказларининг тингловчиларини таркиби ва вазифалари аниқлаштирилди ҳамда уларнинг баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари белгиланди. Шунингдек, ахборот мониторинг хизмати платформаси, унга мос электрон таълим ресурсларини яратиш ва фойдаланишга топшириш босқичлари илмий нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Амалий босқичида, 2019 йилда, Интернет тармоғининг www.m.uzedu.uz манзилида ахборот мониторинг хизмати платформаси яратилди ва унга электрон таълим ресурслар жойлаштирилди. Яратилган ахборот мониторинг хизмати платформасини синовдан ўтказиш ва сифат даражасини аниқлаш мақсадида

Жиззах ва Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги малака ошириш ҳудудий марказлари тингловчилари жалб этилди.

1-жадвал

Тингловчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳларининг тажриба бошидаги умумий кўрсаткичлари

| № | Тажриба ва назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг олган баҳолари | | | | | | | | | |
|------------------------|--|------------|------------------|------------|-------------|------------------------------|------------|------------------|------------|-------------|
| | Тажриба гуруҳи | | | | | Нazorат гуруҳи | | | | |
| | Тингловчиларнинг умумий сони | Креатив | Қисман-изланишли | Продуктив | Репродуктив | Тингловчиларнинг умумий сони | Креатив | Қисман-изланишли | Продуктив | Репродуктив |
| Жиззах вилояти | | | | | | | | | | |
| 1. | 267 | 63 | 100 | 89 | 15 | 271 | 64 | 101 | 90 | 16 |
| Андижон вилояти | | | | | | | | | | |
| 1. | 270 | 82 | 99 | 78 | 11 | 269 | 83 | 98 | 76 | 12 |
| Тошкент шаҳри | | | | | | | | | | |
| 1. | 274 | 82 | 85 | 92 | 15 | 265 | 78 | 83 | 90 | 14 |
| Умумийси | 811 | 227 | 284 | 259 | 41 | 805 | 225 | 282 | 256 | 42 |

Малака ошириш тингловчилари учун яратилган ахборот мониторинг хизмати портали, унга жойлаштирилган электрон таълим ресурсларни тажрибада ўтказиш, унинг самарадорлик даражасини аниқлаш ва баҳолашда қуйидаги мезонлардан фойдаланилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвалда келтирилган баҳолаш натижаларига кўра, тадқиқот доирасида яратилган ахборот мониторинг хизмати портали 100 балдан 91 баллга баҳоланди. Шу боис ушбу ахборот мониторинг хизмати порталини мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган малака ошириш ҳудудий марказлари тингловчиларини узлуксиз касбий компетентлигини ривожлантириб бориш учун татбиқ этиш мумкин, деган хулосага келдик.

Ушбу босқичда малака ошириш тингловчиларини узлуксиз касбий компетентлигини ривожлантириш ва унинг мониторингини олиб бориш мақсадида, уларни **тажриба** ва **назорат** гуруҳларига ажратилди. Бундан Жиззах вилояти малака ошириш ҳудудий маркази тингловчиларидан 267 нафари тажриба гуруҳига, 271 нафари назорат гуруҳига, Андижон вилояти малака ошириш ҳудудий маркази тингловчиларидан 270 нафари тажриба гуруҳига, 269 нафари назорат гуруҳига, Тошкент шаҳри малака ошириш ҳудудий маркази тингловчиларидан 274 нафари тажриба гуруҳига, 265 нафари назорат гуруҳига ажратилди.

**m.uzedu.uz манзилидаги ахборот мониторинг хизмати порталининг
баҳолаш натижаси**

| Т/р | Баҳолаш мезонлари (максимал балл – 100 балл) | Максимал балл | Жиззах вилояти | Андижон вилояти | Тошкент шаҳри | Баҳолаш натижаларига кўра ўртача балл |
|---------------------|---|---------------|----------------|-----------------|---------------|---|
| 1. | Электрон таълим ресурслари малака ошириш курсларининг мазмунига мослиги | 25 | 22 | 20 | 21 | 21 |
| 2. | Электрон таълим ресурсларнинг тушунарлилик даражаси ва мантикий боғлиқлиги | 25 | 24 | 23 | 22 | 23 |
| 3. | Малака шоириш вақтида ва кейинги узлуксиз касбий ривожланиши учун электрон таълим ресурслар етарлилиги. | 25 | 22 | 21 | 23 | 22 |
| 4. | Тингловчиларнинг узлуксиз мониторингини ошириш учун онлайн тизими мавжудлиги. | 25 | 25 | 25 | 25 | 25 |
| Умумий балл: | | 100 | 93 | 89 | 91 | 91 |

Мазкур ажратилган тажриба гуруҳларига тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган, яъни www.m.uzedu.uz манзилида ахборот мониторинг хизмати портали ва унга жойлаштирилган электрон таълим ресурсларидан фойдаланишга рухсат этилди. Назорат гуруҳига ажратилган тингловчиларга эса ушбу ахборот мониторинг хизмати портали ва унга жойлаштирилган электрон таълим ресурсларидан фойдаланишга рухсат этилмади. Мазкур тажриба ва назорат гуруҳига ажратилган талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари Интернет тармоғининг www.testing.uzedu.uz манзилига жойлаштирилган онлайн тестлар шаклида баҳоланиб, умумлаштирилди.

Тажриба-синов ишларининг умумлаштирувчи босқичи 2020 йилда тажриба ва назорат гуруҳига ажратилган тингловчиларнинг натижалари умумлаштирилди, уларни ишончлилигини ва тўғрилигини текшириш учун Стьюдент-Фишер критериясидан фойдаланиб, математик-статистик таҳлил этилди.

3-жадвал.

Тажриба ва назорат гуруҳларининг тажриба-синов якунидаги умумий кўрсаткичлари


| Гуруҳлар | Тингловчилар сони | Тажриба ва назорат гуруҳларидаги тингловчиларнинг кўрсаткичлари | | | |
